

Банк омонатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра ¹жорий йилнинг 1 август ҳолатига кредитларнинг умумий ҳажми **302,7 млрд. сўмни**, омонатларнинг умумий ҳажми эса **128,7 млрд. сўмни** ташкил этади.

Ушбу статистика шуни кўрсатадики, мутасадди ташкилотлар ва тижорат банкларининг жозибадор фоиз ставкалари бўйича кенг қамровли инфор­мацион-тарғибот тадбирларига қарамасдан, банк омонатлари ҳажми пастлигича қолмоқда.

Кредит истеъмолининг юқори даражаси иқтисодий ўсишга ёрдам беради, лекин шу билан бирга инфляция суръатларининг юқори бўлишига олиб келади.

Сизнинг вазифангиз фуқароларнинг омонат маданиятини шакллантириш учун тегишли воситаларни ишлаб чиқиб саволларга жавоб беришдан иборат.

Саволлар:

1. Аҳолининг жамғарма маданиятини шакллантиришга самарали ундовчи 5-10 та тавсиянома ишлаб чиқиш (нарх-наво маркетинги бундан мустасно).

2. Жамғарма маданиятининг шаклланиши инсоннинг шахсий молиявий фаровонлигини оширишга қандай ҳисса қўшиши мумкин?

3. Банк омонатларининг мутанносиб ўсиб бориши мамлакат иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатади?

¹ <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/541729/>